



Хамюртларимизнинг ерга бўлган муносабати бутунлай ўзгариб, ундан ҳар томонлама унумли фойдаланиш йўлга қўйилди ва бу жараён тобора такомиллашмоқда.

Газетамизнинг аввалги сонларида эътиборингизга томоркачилик ҳақида маълумот ва унга оид тавсияларни хавола этишни бошлаган эдик. Куйида ушбу мавзуни давом эттирамиз.

Картошка

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НАВЛАР: картошканинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига 63 та нави киритилган. Эртапишар навлардан Латона, Фреско, Ред Скарлет, ўрта-эртаги Кондор, Марфона, Романо, Курода, Санте, Диёра, ўртапишар Тўйимли, Умид, Кўк сарой, Серхосил, Аладин, Аринда, Арнова, ўрта-кечки Акроб, Мондиал, Диамант, Пикассо ва бошқалар.

УРУГ ТАНЛАШ. Картошка хосилини ошириш, сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни баҳорги муддатларда экиш ундирилмаган туганакларни экишга караганда хосилдорликни 12-15% ошириб, 10-15 кун эрта пишишига имкон беради. Маҳаллий шароитда тайёрланган уруглар ундириш хоналарига экишдан 30-35 кун олдин, четдан келтирилган уругликлар 20-25 кун илгари қўйилади. Ундириш хонасида ёруглик ва 18-22 °

С даража иссик ҳарорат яратилиши лозим. Уругликлар майда йириклигига қараб (40-60,

60-80, 80-100 г) саралаб ундириш хонасининг полларига, сўкчакларга (стеллаж) 2-3 катламдан оширмай ёки 12-20-25 кг. ли яшикларга кўйиш лозим. Туганакларнинг нишлаганлари кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, уларни 3-4 см. гача ўстириш мумкин. Огирлиги 100 г. дан катта туганакларни экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади.

ЕР ТАЙЁРЛАШ. 1 сотихга 250-300 кг (10 сотихга 2,5-3 т) тоза, чириган гўнг солинади. Тупрок белкуракда 18-20 см чуқурликда юмшатилади ёки кетмон билан чопилади. Катта кесаклар майдаланади ва ер текисланади.

ЭКИШ МУДДАТИ ВА СХЕМАСИ. Бахорги муддатда жанубий вилоятларда 15 февраль–1 март, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 25 февраль–10 март, шимолий минтақаларда 10–20 март. Ёзги муддатда жанубий вилоятларда тезпишар навлар 10–20 июль; ўртапишар навлар 5–20 июль; кечпишар навлар 20–30 июнь; марказий минтақада жойлашган вилоятларда тезпишар навлар 10 – 20 июль, ўртапишар навлар 10 – 30 июнь, кечпишар навлар 10–20 июнда экилади. Шимолий худудларда тезпишар навлар 20–30 июнь, ўртапишар навлар 15–25 июнь, кечпишар навлар 5–10 июнда экилади. Картошка туганаклари (уруглиги) 5-8 см чуқурликка экилади ва хар 1 сотих 30-35 кг уруглиги сарфланади.

Картошка олдиндан тайёрлаб кўйилган майдонга кўлда кетмон билан 70x30 ёки 90x25 см схемада экилади.

ПАРВАРИШЛАШ. Майдонлар уруглик тўлик униб чиккунча об-хаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта сугорилади. Сугориш натижасида бегона ўтлар ҳам жадал ўсиб чиқа бошлайди. Уларни йўқотиш мақсадида сугоришдан 4-6 кун ўтгач, катор оралари ва эгатларнинг устки қисмига кўлда кетмон билан ялписига ишлов бериш лозим. Улар ердан тўлик униб чиккандан кейин 20-25 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади. Катор оралари 15-16 см чуқурликда, ўсимликдан 10-12 см химоя масофаси колдирилиб юмшатилади. Кейин эса ўсимлик оралари енгил чопик килиниб, бегона ўтлардан тозаланади. Шундан сўнг майдондаги ўсимликларни биринчи марта азотли ўғит (50%) билан озиклантириб, кейин кондириб сугориш тавсия этилади. Иккинчи комплекс ишлов биринчи ишловдан 25-28 кун ўтгач ёки ўсимликлар ёппасига гунчалайдиган даврда амалга оширилади. Картошка бахорда экилганида ўсув даври хавонинг салкин ва тупрокнинг сернам пайтига, хосил тўплаш даври эса ёзнинг айни кизий бошлаган вақтига тўғри келади. Шунинг учун ҳам эртаги картошка хосил тўплаш (туганаклаш) пайтида хар 5-6 кунда 1 сотих 4-4,5 м³ меъёрда сугоришни талаб килади. Кечки картошка ўсув даврида 8-10 кун оралатиб бир меъёрда сугорилади. Хосилни йигиб-териби олишга 2-3 хафта колганда сув бериш тўхтатилади.

ЎГИТЛАШ. Картошка асосий озика элементларига ўта талабчан. Шу боис бу экин етиштирилганда 1 сотихга соф холда 2,2 кг азот, 1,7 кг фосфор, 1,1 кг калий бериш керак.

Шолгом

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НАВЛАР: Наманган махаллийси, Самарканд махаллийси, Муяссар.

УРУГ ТАНЛАШ. Экиладиган шолгом уруги тоза, юкори унувчан, касаллик юкмаган, ўртача катталиқда, бутун (синмаган), вазндор текис (зарарланмаган) бўлиши зарур. Уруглар бошка ўсимликлар уруглари ва аралашмаларидан тозаланади.

ЕР ТАЙЁРЛАШ. Уруг экиладиган майдонлар ўтмишдош экин колдиклари ва бегона ўтлардан сифатли килиб тозаланади. 1 сотих ерга 200 кг (10 сотихга 2 тонна) чириган гўнг солинади. Тупрок 20-25 см чуқурликда чириган гўнг ва минерал ўгитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва сугориш эгатлари олинади.

ЭКИШ МУДДАТИ. Шолгом асосан ёзда экилади. Шолгом уруги марказий минтака ва водий худудларида 1–15 августда, шимолий худудларда 25 июль–10 август, жанубий минтакаларда 20 август–20 сентябрда сепилади. Шу билан бирга эрта хосил олиш учун шолгом уругини февраль ойининг охирларида сочма хамда катор (лента) килиб экиш мумкин. Хар икки усулда хам эгат ораси 70 см олинади. Уруг кўлда сепилади. Хар 1 сотих ерга 25-30 г шолгом уруги сарфланиб, 1,5 см чуқурликка экилади. Тупрок хаскаш билан тирмаланади.

ПАРВАРИШЛАШ. Нихоллар униб чиккандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак.

Биринчи ягана уруг ердан униб чикиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда колдирилади. Катор ораларини ўсимлик атрофи билан қўл кучи ёрдамида кетмон билан 15-16 см чуқурликда юмшатиб туриш, маъданли озик ва сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнида хар икки-уч сугоришдан кейин катор оралари юмшатилиб борилади.

ЎГИТЛАШ. Шолгом майдони бегона ўтлардан тозаланиб, ягана килингандан сўнг ўгитланади. Бунда 1 сотихга соф холда сульфат аммоний 2 кг, аммофос 1,5 кг, калий хлор 0,5 кг меъёрда солинади.

Турп

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НАВЛАР: Андижон-9, Маргилон махаллийси, дайкон ёки япон турпининг Содик ва Куз хадяси навлари.

УРУГ ТАНЛАШ. Экиладиган турп уруги тоза, юкори унувчан, касаллик юкмаган, ўртача катталиқда, бутун (синмаган), зарарланмаган бўлиши зарур. Уруглар бошка ўсимликлар уруглари ва аралашмаларидан тозаланади.

ЕР ТАЙЁРЛАШ. Дала ўтмишдош экин колдиклари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 200 кг (10 сотихга 2 тонна) чириган гўнг солинади. Тупрок 20-25 см чуқурликда чириган гўнг ва минерал ўгитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва сугориш эгатлари (пол) олинади.

ЭКИШ МУДДАТИ ВА СХЕМАСИ. Турп асосан ёзда экилади. Турп уругини марказий минтақада жойлашган ва водий вилоятларида 1–15 августда, шимолий худудларда 25 июль–10 август, жанубий минтақаларда 20 август–20 сентябрда сочма хамда катор (лента) килиб экиш мумкин. Хар икки усулда хам эгат ораси 70 см олинади. Уруг қўлда сепилади. Хар 1 сотихга 50-60 г турп уруги сарфланиб 1,5 см чуқурликка экилади. Тупрок хаскаш билан тирмаланади.

ПАРВАРИШЛАШ. Нихоллар униб чиккандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак. Биринчи ягана уруг ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда колдирилади. Катор оралари ва ўсимлик атрофини кетмон билан 15-16 см чуқурликда юмшатиб туриш, минерал озика ва сув бериб бориш керак. Вегетация мобайнида ҳар икки-уч сугоришдан кейин катор оралари юмшатилиб турилади.

ЎГИТЛАШ. Турп майдони бегона ўтлардан тозаланиб, ягана килингандан сўнг ўгитланади. Бунда 1 сотихга соф холда сульфат аммоний 2 кг, аммофос 1,5 кг, калий хлор 0,5 кг меъёрда солинади.

Сабзи

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НАВЛАР: эртапишар Мушак-195, Нурли-70, ўртапишар Мирзои сарик-304, Мирзои кизил-228, Нант-4, Шантанэ-2461, Зийнатли, Фаровон.

УРУГ ТАНЛАШ. Экиладиган уруги тоза, юкори унувчан, касалликлардан холи, бутун (синмаган), вазндор бўлиши зарур. Уруглар бошка ўсимликлар уруглари ва аралашмаларидан тозаланади.

ЕР ТАЙЁРЛАШ. Томорка ўтмишдош экин колдиклари ва бегона ўтлардан сифатли килиб тозаланади. Тупрок 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва сугориш эгатлари олинади.

ЭКИШ МУДДАТИ ВА СХЕМАСИ. Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида баҳорги сабзи уруги 15–28 февралда, ёзгиси 1–15 август, тўксонбости муддатда 15–30 декабрда сепилади. Марказий минтақада жойлашган ва водий вилоятларида баҳорги сабзи 1–15 март, ёзгиси 10 июндан–10 июлгача, тўксонбости муддатда 10 ноябрь–10 декабрь,

шимолий минтакаларда бахоргиси 15–30 март, ёзгиси 10–20 июнь, тўксонбости муддатда 1–30 ноябрда 1,5-2 см чуқурликка 52x8, 62x8 см схемада экилади. Уруг сарфи 10 сотихга 500-600 г. Сепилгандан уруглар хаскаш билан тупрокка аралаштирилади.

ПАРВАРИШЛАШ. Сабзини парваришlash жараёнидаги энг мухим масалалардан бири – бу уругни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи нихоллари тупрок доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кунда батамом униб чиқади. Сабзи униб чиқиши билан дархол бегона ўтларни ўташ ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади.

ЎГИТЛАШ. 10 сотих майдонга соф холда 15 кг азот, 8 кг фосфор, 4,5 кг калий солиш керак. Ўтлоки, ўтлоки боткок ерларда етиштирилганда соф холда 12 кг азот, 7 кг фосфор, 4 кг калий бериш керак. Ўгитларни бериш муддатлари: фосфор ўгитини йиллик миқдорининг 75 фоизи билан калийнинг хаммаси шудгорлашда, фосфорнинг колган кисмини бороналаб, эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўгитларнинг вегетация мобайнида иккига бўлиб берилади.

www.mehnat.uz/cyrl/tomorqa

маълумотлари асосида тайёрланди.